

---

## Фермер хўжаликлари муаммолари ўрганилди.

Сўнги кунларда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали Қува туманидаги фермер хўжалиklarининг экспорт шартномалари дебитор қарздорликлари масаласи юзасидан чоп этилаётган мақолалар кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Мазкур муурожаатлар юзасидан вилоят Солиқ бошқармаси, Божхона бошқармаси ҳамда Бизнес-омбудсман вилоят вакиллари томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш олиб борилди.

Ўрганиш давомида, фермер хўжаликлари томонидан 2101,1 минг АҚШ долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилганлиги, экспорт шартномасига кўра импортёр корхона томонидан белгиланган муддатда фермер хўжалиklarининг банкдаги ҳисоб рақамларига пул келиб тушмаганлигини натижасида дебитор қарздорлик юзага келганлиги аниқланди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги, туман давлат солиқ инспекцияси, вилоят давлат божхона бошқармаси мутахассислари ҳамда бир нечта фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан дебитор қарздорликларни сўндириш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, тумандаги “Анор ўрик гуллари” фермер хўжалиги (92 192,5 доллар), “Фазлиддин Озодбек мевалари” фермер хўжалиги (166 214,52 доллар), “Ҳакимжон” фермер хўжалиги (153 992,04 доллар), “Собиров Умиджон Толипович” фермер хўжалиги (212 804,12 доллар) ва “Асқаржон Ўлмасой” фермер хўжалигининг (149 602,07 доллар) дебитор қарздорликлари қопланиб, қолган фермер хўжалиklarининг дебитор қарздорликларини сўндириш бўйича туман ҳокимлиги томонидан тегишли тартибда ишлар амалга оширилмоқда.

**Қува туман ҳокимлиги**  
**Ахборот хизмати**

2021-02-15 10:45:47